

Асримиз бошларида Туркистонда Биринчи рус инкилобининг таъсирида маърифатпарварлик ҳаракати кучайиб кетди. Мураббий, адиб, драматург, журналист, конуншунос Махмудхўжа Бехудий бу илгор ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг бошида турган улуг инсонлардан бири эди. У бутун куч-гайратини, билимини, азиз умрини онгли равишда Ватанининг, халкининг бахти учун курашга сафарбар этди.

Бехубудий иккинчи рус инкилобидан кейинги даврда «Марказий Россия билан бирлик, ҳокимият бошига келган ишчи ва дехконлар етаклаган йўлдан боришни лозим, деб топади» (И. Султон, С. Мамажонов). Масалан, у «Иттифок керак» сарлавхали мақоласида шундай деб ёзади: «Энди бугунги ҳурриятпарвар рус хамватанлар ила кўл-бакўл ушлашиб, тараккий учун ишларок керак».

Бирок, таассуфки, устод Махмудхўжа Бехубудийнинг боши амир кундасига, шогирдларининг кони рус шовинизми шовчасига қурбон кетди!..

МУФТИ МАХМУДХЎЖА ХАЗРАТЛАРИНИНГ КАНДАЙ ШАҲИД БЎЛГОНЛИГИ ВА УНИНГ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН ВАСИЯТНОМА

Бехубудий афанди 1919 йил 25 мартда, йўлдошлари Мардонкул Шомахмуд ўғли ва Махаммадкул Ўринбой ўғиллари билан Самарканддан Бухоро тупроғига ўткан, шундан каэрга борганлиги билинмай, бу тўғрида турли сўзлар сўйланган ва гумонлар килингон эди. Охири, халқ орасида шайх бўлгон сўзлардан гумон қолиб ила англашилган эдики, Бехубудий афанди мазкур икки йўлдошлари ила золим амир Олимхоннинг гаддор беклари кўлида шаҳид бўлгонлар. Бултур (1921 йил) март ойида Бухоро тупроғидан келган ўрток Хожимурод Худойберди ўғли, Бехубудий хазратлари билан йўлдошлари Мухаммадкул ва Мардонкул афандиларни Карши шаҳрида, Каршининг беги Тоғайбек кандай шаҳид этганлиги хақида дуруст маълумот кетурди.

Ўрток Хожимурод Бухоро инкилоби бошланган кунда, Самарканддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шахрисабз ва Китоб тарафларига бориб, андин бир иш ила Карши шаҳрига ўткан ва ўшал ерларда 6-7 ой хизмат килиб юрган, бу вақтда ҳила ишлар килган ва кўл воқеаларни кўрган.

Хожимурод афанди Карши бегида бир неча вақт «махрамлик» хизматида бўлгон фарғоналик 17 яшар Содикжондан Бехубудий ва анинг йўлдошлари хақида кўп маълумот олгон: Бехубудий афанди ва йўлдошлари, бошлаб Шахрисабзда кўлга тушиб, тахминан, икки ойдан сўнг, Карши шаҳрига юборилиб, онда (зиндонда) бир неча кун ёткондан кейин, мазкур Тоғайбек томонидан шаҳид килинган.

Бек Бехубудий ва йўлдошларини ҳузурига чакириб: «Сизлар на учун кўлга тушдингиз?», деб сўраган. Бехубудий афандилар: «Бизлар Байтуллони зиёрат килмак учун Самарканддан чиккан эдик. Йўлда амир маъмурлари: «Сизлар жаҳид, кофир ва «тилчи», деб бизни кўлга олдилар». Бундан бир неча кун ўтгандан сўнг, Содикжон амирдан бекка катл буйруги келганлигини афанди, ўзининг хаётидан умидини узиб,

йиглай-йиглай Бехбудий афандиларга билдирган, сўпгра Бехбудий тубандаги «Васиятнома»ни «ёзиб, Содикжонга топширмок учун Ахмадга берган ва хар кандай йўл ила бўлса-да, шул васиятномани Самаркандга юборишни ўтинган. Васиятноманинг остида бошлаб, Бехбудий афандининг ўзи, сўнгра Мардонкул ва Мухаммадкул афандилар кўл кўйганлар.

ВАСИЯТНОМА ушбудур:

«Эй, Туркистон Маориф ишларида бўлгон ўрток ва ўглонларим! Манни ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни зсимдан чикармайман ва сизларга бир оз васият килиб ўтаман. Мен севар ўртокларим! Маним сўзларимни кулокларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳарларида банди бўлиб юриб, ахир ўн кундан бери бир ерда (Карши шаҳрида) бу золимларнинг кўлига тушиб банд бўлдик. Жадид - кофирлик отини кўтардик. Сиполар ичида тилчилик отини кўтардик. Бу ердан кутулмогимиз гумон бўлди. Ўртокларим Сиддикий, Айний, Фитрат, Кори ва Ақобир Махдум ва ўглонларим Вадуд Махдум, Абдулқодир Шақурий!

Сизларга васият киламан: Маориф йўлида ишлайтургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифокни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз кўймангизлар! Хар иш килсангиз жамият ила килингизлар! Хаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўклангизлар! Бухоро тупрогига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чикарингизлар! Бизнинг конимизни золим беклардан талаб килингизлар! Маорифки Бухуро тупрогига жорий килингизлар!

Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чокда кабримизда тинч ётурмиз. Маним ўглонларимга салом еткурингизлар! Бу хамроҳларнинг авлодларидан хабардор бўлинглар! Ушбу васиятларимни ёзиб Ахмадга бердим».

Бу васиятномадан 3-4 кун ўтар-ўтмас, бек Бехбудий афанда ва йўлдошларини хам Ахмадий ўлдирурга Оуюргон ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бу чорбокка юборилганлар. Шунда аларнинг катллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун шу богда тўрт кабр каздирилган. Сўнгра Бехбудий афанди ва йўлдошлари тахорат олиб, намоз ўкимокчи бўлгонлар. Лекин шул чоғда, раҳмсиз жаллод маховийлари ила етишуб келиб, аларни намоз ўкирга кўймаган ва энг аввал Бехбудий хазратларини жойнамоз устида бошини кесган. Бу холни кўриб, Мардонкули, Махаммадкули ва Ахмад афандилар тавхид ва шаходат калималарини ўкиб, ўлимни кутиб тургонлар. Андан кейин жаллод аларнинг бошини бир-бир кесган, сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шахидларнинг нишларини чикариб, ўзлари казгон кабрларга кўмганлар ва кабрларнинг (билинмасун деб) ер ила тегиз этганлар.

Бекнинг махрами Содикжон, бу воқеани бошидан охиригача кўрган ва билгани учун хам, Бехбудий афандиларга мухлис бўлгонидан шу воқеани бир дафтарчада айнан ёзиб кўйгон ва ондан ўрток Хожимурод кўчириб олиб, бу фожиани театр шаклида тартиб этуб, «Маориф қурбонлари»ни кўйгон.

Уч пардадан иборат бўлгои мазкур рисола биз кўрдик. Рисола керак ибрат, керак сахнага кўйиш жihatдан хили нуксонлидир. Агар бу рисола театр олаmidан хабардор бўлгон бирор кишининг калами ила тузатилса, биринчи театру рисоласи каторига кириши шубхасиздир.

Ўрток Хожимуроднинг сўзига кўра, мазкур Содикжон 1920 йил 21 декабрда амир томонидан Шахрисабз, Китоб ва Гузор тарафларида кўзгатилгон аксил ҳаракатчилик вақтида, исёнчилар тарафидан Шахрисабзда ўлдирилган. Шунинг ила Содикжон ёзган воқеа ила васиятномининг асл нусхасида ўшал чоғда йўқолиб кетган.

Самарканд
Хожи Муин Шукрулло ўғли,
1922 йил, 7 январ

Нашрга тайёрловчи:
Шерали Турдиев